

СОМАТИЗМЛАРНИНГ БАДИЙ АСАРДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Batirkhanova Madina Oybekovna

Candidate of Philological Sciences, (PhD) Ferghana, Uzbekistan.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199333>

Аннотация. Мазкур мақола соматик фразеологизмлар тушунчаси ва уларнинг таснифлаш масалаларига бағишланган. Соматик фразеологизмларнинг таснифлашда концептуал ва лингвокультурологик аспекти намоён этган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган.

Калит сўзлар ва иборалар: соматик фразеологизм, тасниф, гуруҳ, олам манзараси, миллий, концепт, категория, тана, тана аъзолари.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СОМАТИЗМОВ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

Аннотация. Данная статья посвящена понятию соматических фразеологизмов и вопросам их классификации. Выявлены особые свойства классификаций соматических фразеологизмов в концептуальном и лингвокультурологическом аспекте.

Ключевые слова и выражения: соматический фразеологизм, классификация, группа, картина мира, национальный, концепт, категория, тело, части тела.

COMPARATIVE ANALYSIS OF SOMATISMS IN ARTISTIC WORKS

Abstract. The present article is devoted to the notion of the somatic phraseologisms. The peculiar features of the classification of the somatic phraseologisms in the conceptual and linguocultural aspects are revealed.

Key words and expressions: somatic phraseologism, classification, group, world picture, national, concept, category, body, parts of body.

КИРИШ

Бадий асарларда СФБларни учта турли тизимли тилларда қиёсан ўрганар эканмиз, бунда учта тилнинг ҳар бирида ушбу тилларда сўзловчи миллатнинг менталитети ва фикрлаш тарзидаги ўзига хос фарқлар яққол кўзга ташланади. ФБлар бадий асар тилига семантик кўрк бағишлайди, айни пайтда, нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлайди. Шуни таъкидлаш лозимки, учта тилнинг қиёсий тадқиқида бадий асарда соматик иборалар ўзбек тилида ниҳоятда кўп қўлланиши, инглиз ва рус тилларида эса улар ўзбек тилига нисбатан кам ишлатилиши ҳамда ўзбек тилида соматик фразеологизмлар сўзловчининг ниятини турли оттенкалар орқали ифодаланиши маълум бўлди. Бунда миллий менталитетнинг ўзига хос фарқи сезилади.

Ўзбек адабиётида А.Қаҳҳор, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Фафур Ғулом, П.Қодиров, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов, Саид Аҳмад каби атоқли ёзувчилар яратган асарларда ўзбек халқи маънавиятини, маданиятини миллий менталитетини ёрқин намоён этадиган миллий образлар мавжуд.

Шу ўринда Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” асарини таҳлил қилган ҳолда, уларга рус ва инглиз тилларидаги ўзимизнинг муқобил вариантларимизни келтириб ўтамиз [2, 1]. Ушбу қиссада “кўз” компонентли жуда кўп иборалар қўлланган. Жумладан, *кўз тикмоқ, кўзига иссиқ кўринмоқ, кўзи тўймайди, кўзи тор, кўзи ёриди, кўзини мошдек очмоқ, кўзлари учиб турмаган, кўзига қон тўлган, оғзимдан тушмайди, бошимдан кечирганларим, қулогимдан кетмайди, қулоқ солиб* каби иборалар ҳамда ушбу гапдаги: “*Новча йигит сузган бўзадан*

озгина татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди.” Иборанинг рус тилига таржимаси “Потом он попробовал процеженное питьё на вкус и протянул чашу Султану” тарзида берилган. Прагматик таъсирни таъминлаш учун таржимон *чаша* сўзидан фойдаланмоқда. Лекин, бизнинг фикримизча, *оёқ* сўзининг ўрнига рус тилидаги *рог* сўзини олган маъкулроқ эди. Таржимада таржимон калька усулидан фойдаланди, лекин илгариги вақтларда ҳайвонларнинг оёқ ёки шохидан ичимлик идиши ясалган. *Чаша* сўзи эса олтин, кумуш, мис каби турли металлдан ясалган идиш маъносини ифодалайди. [2, 1].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек тилида СФБлар ўзининг эмоционал-экспрессивлиги билан ажралиб туради. Ушбу гапларда “*Мен нафасим озгимга тиқилган* ҳолда уларга воқеани айтдим” деган иборани рус таржимони А.Наумов (1984) рус китобхонига қуйидагича етказиб бермоқда: “*Едва переводя дух, я рассказал им о случившемся*”; “*икки бармогини бурнимга тиқиб бораманми*” рус тилига эса “*ходи-ил, рабо-тал, только на лохмотья и заработал!..*”. [1, 2].

“Шум бола” асари таркибидаги соматик ФБлар иштирок этган қуйидаги мисралар таҳлилида бунини яна ҳам аниқроқ кўришимиз мумкин: *Ҳамённи, пулни, узукни менга олиб бердилар. Лекин бир ярим танга чўтал олиб қолдилар. Шундай қилиб, ўртоқларим билан қилинган гаровни ютдим.*

– *Ие, шўрлик бегуноҳ косиб йигит қулогини ушлаб кетавердимми?*– дедим.

– *Йўқ, бирпас қамалиб ётди, кейин бечорага раҳмим келиб, миришабга бир сўм пора бериб, йигитни қутқазиб юбордим, даъвом йўқ, дедим. Йигит бечора хурсанд бўлганидан бўйнимдан қучоқлаб ўтиб...* [1, 2]

Рус тилига таржимаси:

Привели нас к аксакалу, пересчитали деньги, вышло, конечно, по-моему, ну, мне и отдали кошелек, только взяли полторы таньги магарыча! Ловко, а?

– *Ловко... — еле выдавил я из себя. — А что тот... растяпа?*

– *Ха-ха, посадили его, что ж еще! Ну, не бойся, он недолго сидел, я над ним сжалился, дал полицейскому рубль — взятку и освободил этого дурачка, — сказал, что у меня нет к нему претензий. Ты бы видел, как он обрадовался! Ха-ха-ха... обнимал меня... целовал... хе-хе... [1, 2].*

Бадий асар таржимаси жараёнида ўгирилаётган тилнинг нафақат маданияти, тарихи, балки прагматик жиҳатдан тингловчига асл маънони сақлаган ҳолда етказиш учун фразеологик иборалар орқали таржима қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай таржима асарларида иборанинг коннотатив бўёқдорлигини йўқотмаслик таржимоннинг тўғри усулдан фойдаланганлигидан дарак беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилишимиз мумкинки, прагматик омиллар эквивалентликнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг қайта яратилиши таржиманинг аслиятга коммуникатив жиҳатдан тўлиқ мослигини таъминлайди. Таржиманинг аслиятга прагматик адекватлиги аслият ва таржима соҳибларининг бир хил ахборотга эга бўлишларини таъминлайди.

Тиллараро дискурсив муносабатда прагматик муаммолар юзага келар экан, мутаржимнинг вазифаси таржима жараёни мақсадини тўғри англаган ҳолда, уни таржима талаби, меъёри асосида қайта яратишдан иборатдир. Ҳар қандай таржиманинг прагматик вазифасини амалга ошириш таржимондан ахборот қабул қилувчининг эстетик

таъсирланиш даражасини биринчи ўринга қўйишини талаб килади. Зеро, ҳаддан ортиқ аниқлик прагматик ноаниқликка олиб келиши, ёзувчи кўзда тутган таъсирчанликни яратишга ожизлик қилиши мумкин.

REFERENCES

1. [Наумов](#) А. Озорник, 1984. –Издания: ВСЕ 1, 1984. – 182 с.
2. Гафур Фулом. Шум бола. Қисса. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – Б.72.